




Адишер Навоий номили Узбекистон миллий боғига туташ бўлган Халқлар дўстлиги саройининг ёнида яна бир мухташам бино қад кўтарди. Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси учун мўлжалланган ушбу бинони тиклаш ишларини 75-қурилиш бошқармасига қарашли «Сифат» ҳиссдорлик жамияти қурувчилари ва бошқа қўллаб-бунёдкорлар олиб боришди.

Авалло бино лойиҳаси ҳақида. Албатта нафақат шаҳримиз, балки мамлакатимиз учун кўзгубўладиган бу қурилиш лойиҳасини яратиб меъморлардан катта маҳорат ва масъулият талаб этар эди. Шунинг учун ҳам дастлаб бинонинг бир неча мўроби лойиҳалари яратилди. Улар устида бахслар ва тортишувлар бўлди. Хуллас, Тошкент бош режа илмий-тадқиқот лойиҳа институтининг меъмор В. Ақопжанов томонидан яратилган лойиҳа маъқул топилди.

Бугун қурилиш майдонида бўлган киши бу ерда қайноқ меҳнат ҳукм сураётганини ҳис этарди. Бунёдкорлик ишига жалб этилган қурувчилар бир жон, бир тун бўлишиб меҳнат қилишарди. Уларнинг кучи билан шу кунгача бинонинг асосий қисми тикланди. Пардозовлар ва «Усто» бирлашмасининг нақш устаслари пардозлаш ишларини бошлаб юборишди.

— Ишни уч сменада ташкил этганимиз, — дейди бизга «Сифат» ҳиссдорлик жамияти бригадаси бошлиғи Ил-

## ЯНА БИР МУХТАШАМ БИНО



ҳомжон Турсунов. — Шу уринда бир нарсани алоҳида қайд этишим керакки, бу муҳим мажмуа қурилишига ўз қабилани устаслари бўлган бунёдкорлар жалб этилган. Улар катта меҳнат таҳрибасига эгадирлар. Жумладан

қойдаланилмоқда. Бино томи гўмбазли бўлиб, эндиликда у шаҳримизнинг чор-атрофидан яққол кўзга ташланиб турибди. Айниқса, бинонинг «Лабиҳовуз» яқинида жойлашган эътиборга лойик. Чунки ушбу кичик сув ҳавзаси ва унинг фавворалари ёз жазираларида бу ерда муътадил ҳаво бўлишини таъминлайди. Қолаверса, «Лабиҳовуз» атрофида сайр-томоша қилиш ҳам мумкин.

— Қурилиш бошқармаси зиммасига ҳамиша масъулиятли участкаларда ишлаш вазифаси топширилади, — дейди бизга бошқарма бошлиғи Абдулла Юсупов. — Чунки бунёдкорларимиз ўзларига топширилган ишнинг сикидилдан масъулият билан адо этишади. Албатта мажмуа мажмуа қурилиши ҳам биз учун яна бир синов вазифасини ўтайди. Ишончим комилки, ўз қабилани сикидилдан масъулият билан адо этишади. Бунинг натижалари яққол кўрсатиб турибди.

Орадан маълум муддат ўтди. Шаҳар марказида Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси биноси депутатларимизни қабул қилади. Ушунда бу ерга келувчилар қурилиш бунёдкорлари меҳнатига тасаннолар айтишади.

Мақсуд КОМИЛОВ. СУРАТЛАРДА: Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси биноси қурилишидан лавҳалар акс эттирилган. Рустам Шарипов олган суратлар.

## ХОНАДОНИНГИЗГА ФАЙЗ КИРИТАДИ

КЕНГ ТУРДАГИ мебеллар ишлаб чиқарувчи «Файз» ҳиссдорлик жамияти ўз маҳсулотларини четга экспорт қилиш, шу тариқа жаҳон бозорига чиқишга астойдил интиломоқда. «Файз» маҳсулотларининг бу йилги экспорт ҳажми 820 миллион сўм миқдоридан режаланган эди. Утган 9 ой ичида 585 миллион сўмлик маҳсулот четга сотилди. «Файз» мебеллари асосан қўшни республикалардан қўллаб-қўллагичлардан чиқарилган. Шунга қўра, келгусида Қозғистон ва Қирғизистонда «Файз» иштирокидаги қўшма корхоналар очилмақда.

Корхонада тузилган ташқи иқтисодий алоқалар бошқармаси экспорт ишлари ва хорижий ҳамкорлар билан шартномалар тузиш, уларнинг баҳарлиги қабил масалалар билан шугулланади.

Ҳиссдорлик жамияти қўшида ҳозир 4 та қўшма корхоналар фаолият қўрсатмоқда. Улардан бири — юмшоқ мебеллар учун зарур бўлган годелен матоси ишлаб чиқаради. Утган йили қўшма корхонада 1 миллион квадрат метр годелен ишлаб чиқарилди. Бугунги кунда республика миқёсида бундай матога бўлган талаб 5 миллион квадрат метрни ташкил этарди.

Яқин келгусида «Файз» ишлаб чиқариш тармоқларига 2 миллион 900 минг АҚШ доллари ҳажмидаги сармоя киритиш мўлжалланган. Шундан 500 минг долларлик қисми акциялардан тушган даромад эвазига қўланилиши кўзда тутилмоқда.

Утган йили республикамизга жами 46 миллион долларлик чет эл мебеллари келтирилди. «Файз» эса хориждан фақатгина ҳам ашё сотиб олиш мақсадида қўшма 10 миллион доллар ажратилиши мўлжалламоқда.

— Шундан сўнг маҳсулотларимиз ҳар томонлама хориж мебеллари билан рақобатлаша олади. Асосийси — уларга қўйилган нархлар чет элликдан анча арзон бўлади, — дейди «Файз» ҳиссдорлик жамиятининг раиси Мукаррама Азимова.

## ЧИҚИТДАН МАҲСУЛОТЛАР

ОЧИК ТУРДАГИ «Ўзбекистонга қўшма маҳсулот» ҳиссдорлик жамиятининг йиллик экспорт режаси турт ярим миллион АҚШ доллари ҳажмида белгиланган эди. Ҳозиргача 3 миллион долларлик маҳсулот сотилди. Корхона учун иккилаш хом ашё республикамизнинг барча вилоятларида жойлашган қабул идораларида йилгилди. Экспортга тайёрланган маҳсулот маҳсулоти алюминий қотишмалари шаклида бўлиб, хорижда бундай хом ашёга талаб жуда юқори ҳисобланади. Ҳиссдорлик жамиятида маҳаллий эҳтиёжга қўра алюминийдан ясалган уй-рўзгор буюмлари ҳам чиқарилмоқда.

Корхона негизда «ЎзХанди Крафт» Узбекистон — Ҳиндистон қўшма корхонаси тузилган бўлиб, унда 30 турга яқин харидорбон уй-рўзгор ва ёдгорлик буюмлари ишлаб чиқариляпти.

## ДУКОНДА ТУРИБ ҚОЛМАЙДИ

ТУМАН саноат корхоналари ичида «Новатор» ҳусусий ишлаб чиқариш фирмасининг ўрни салмоқлидир. Ҳатто Россиянинг енгил автомобиллар ишлаб чиқарувчи Тольятти ва Самара шаҳарларида ҳам «Новатор»да чиқарилган поршенлар жуда харидорлиқ қўсбонлади. Ишлаб чиқарилган жами маҳсулотнинг 80 фоизи экспорт қилинмоқда. Утган 9 ой ичида ярим миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди. Бу ҳисобга республика ички саноатида савдодан тушган маблағ кирмайди. Ишлаб топилган валютанинг бир қисми маҳсулот турини кўпайтириш, янги линиялар очилуш учун сарфланади. Масалан, яқинда қишлоқ хўжалик техникалари учун зарур бўлган поршенлар ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда.

## ТАЛАБ ЯНА КЎПАЙДИ

243-ЗАВОД — авиатаъмирлаш корхонаси республика миқёсида ҳам энг кеска корхоналардан бири ҳисобланади. Илгари корхона фақатгина собиқ иттифоқда ишлаб чиқарилган самолётларни таъмирлашга мослашган эди. Эндиликда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси хорижда ишлаб чиқарилган «Боинг»-767, А-310 каби замонавий ҳаво кемаларини сотиб олган, корхонада бу самолётларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича малака ошириш ишлари бошланиб кетди. Аввало замонавий самолётларга хизмат кўрсатиш учун халқаро сертификат олиш, корхона цехларини эса қайта жиҳозлаш талаб этилади. Яқинда корхона ходимларидан икки гуруҳи Англияда малака ошириб қайтдилар. Инглиз тилини ўргатувчи гуруҳлар мунтазам ишлаб турибди. Ҳозирча МДХ давлатлари, Куба, Корейдан тушадиган буюртмалар баҳарилмоқда. Корхонада умумий ишлаб чиқариш ҳажмининг 70 фоизини экспорт ташкил этарди. Йилнинг утган даври мобайнида бундан 400 миллион сўмлик соф фойда олинди.

Бахтиёр ЭГАМОВ.

## БУГУНГИ КУН НАФАСИ

### МАМЛАКАТИМИЗДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 21 ноябрь куни АҚШ Конгресси Вакиллар Палатасининг ташкилий-процессуал қўмитаси раиси Жералд Соломон раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. АҚШ Конгресси делегацияси аъзолари Олий Мажлисида, Ташқи ишлар вазирлигида ҳам бўлдилар. Самарқанд шаҳрини зиёрат қилдилар. Кеча делегациянинг мамлакатимизга ташрифи ниҳоятда муваффақиятли бўлди.

Вазирлар Маҳкамасида Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков бошчилигида халқаро туризмни ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Қаршида бўлиб ўтган республика истеъмол бозори мажмуининг сайёр мажлисида Қашқадарь вилояти аҳолисини кундалик зарур маҳсулотлар билан таъминлаш, савдо ва маъиший хизмат кўрсатишни яхшилаш чора-тадбирлари муҳокама этилди.

Бекбоғда 140 ўринга мўлжалланган янги акушерлик маркази очилди. Уч каватли бу шифохона энг замонавий тиббий асбоб-ускуналари билан жиҳозланган. Ушбу акушерлик маркази шифокорлари республикада биринчи бўлиб бу ерда ўрнатилган «Теле-кўприк» қурилмаси орқали зарур ҳолларда Тошкент шаҳридаги энг юқори малакали мутахассислардан беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш юзасидан маслаҳатлар олиш имконига эга бўлдилар.

### ЖАҲОНДА

Буюк Британия, Малайзия ва Бирлашган Араб Амирликларидан сўнг АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида ҳам «Ўзбекистонда бизнес қилиш» деб номланган анжуман бўлиб ўтди. Унда Бош вазир Уткир Султонов раҳбарлигидаги Ўзбекистон делегацияси иштирок этди. Ўзбекистон делегациясининг Америкага ташрифи давом этмоқда.


Бугун Канаданинг Вакувер шаҳрида 18 давлат ва ҳукумат раҳбарларининг Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти доирасида олий даражадаги икки кунлик анжумани иш бошлади. Унда асосан ушбу минтақада иқтисодий ҳамкорликни янада чуқурлаштириш масалалари қўриб чиқилмоқда.

Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов ҳамда Бирлашган тожик муҳолифатчилари етакчиси Саид Абдулло Нурий Австрия пойтахти Венада Тожикистонга моддий ёрдам кўрсатиш истагини билдирган мамлакатлар вакиллари учрашувда иштирок этдилар. Ушбу учрашувда Тожикистонга 65 миллион доллар миқдорда моддий ёрдам кўрсатиш қўриб чиқилди.

Испаниянинг Мадрид шаҳрида ўтказилган халқаро кенгашда ўзбек пахта толаси сифати учун халқаро «Олтин олд» соврини берилди.

Ригада Литва, Латвия ва Эстония бош вазирлари Болтиқбўйи ағона иқтисодий ҳудудини ташкил этишга ахдлашиб олдилар.

Молдова Президенти Петр Лучинский ушбу давлат таркибидagi Днестрбўйи республикаси раҳбари Игорь Смирнов билан музокаралар ўтказгандан сўнг Украина Президенти Леонид Кучмага мамлакатнинг Дубассар шаҳрига Украинанинг тинчликни сақлаш куч-



ларини киритишни сўраб мурожаат қилди.

Чеченiston президенти Аслан Масхадов хорижда қарийб 1 ой бўлгандан сўнг кеча юртига қайтиб келди. У Туркия ва АҚШдан сўнг Озарбайжонда ҳам норасмий ташриф билан бўлди.

Афғонiston шимолида яна толибончилар ва уларга қарши қўйилган қўшинлари ўртасида шиддатли жанглар бошланиб кетди.

Бугун БМТнинг махсус комиссияси, шу жумладан унинг таркибидagi АҚШ ҳарбий мутахассислари ҳам Ироқ ҳарбий иншоотларини текширишни бошладилар. БМТ Ҳавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари ахдлашувига мувофиқ Ироқ бу шартни бажарганидан сўнг унга озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиш учун ўз нефтининг бир қисмини жаҳон бозорларида сотишга ижозат берилиши масаласи эса очилгичча қолмоқда. АҚШ Президенти Билл Клинтон кеча Россия Президенти Борис Ельцин билан телефон орқали 45 дақиқали мулоқотда бунга Ироқнинг ҳали ҳам халқаро ҳамжамият олдида ўз зиммасига олган мажбуриятларини тўлиқ баҳармағтанлигини сабаб қилиб қўрсатди.

Ниҳоят Шимолий Корея Кореяс ярим оролида тинчлик ўрнатиш учун Жанубий Корея билан бевосита музокаралар бошлашга розилик берди. Бу музокараларни АҚШ ва Хитой воситачилигида 9 декабрда Женевада бошлаш мўлжалланмоқда.

Кеча Словенияда президент сайловлари бўлиб ўтди. Дастлабки маълумотларга қўра 8 номзод ўртасида кутилганидек, ҳозирги давлат раҳбари, 58 ёшли Милон Кучен энг кўп овоз олган. Лекин унинг сайловнинг биринчи туридаёқ ғолиб чиққан-чиқмаганилиги ҳозирча маълум эмас.

Кеча Ливан жанубида Исроил қўшинлари билан «Хезболла» жангарилари ўртасида яна артиллерия отишмалари бўлиб ўтди. Бунинг оқибатида олти жангарининг ҳалок бўлганлиги, 15 кишининг ярдорларганлиги баҳар қилинди.

Россия ҳукуматининг қарори билан «Маяк» ва «Юность» радиостанциялари бирлаштирилиб, эндиликда улар «Маяк» умумороссия давлат радиостанцияси компаниясига айлантирилди.

Утган кун Байкал орти чегара қўшинларининг аскари, 17 ёшли Владимир Мальцев номатўм сабабларга қўра ўзининг 5 нафар хизматдошнинг автомаддан отиб ўлдириб, қисмини тарк этди. 14 соат кидирувдан сўнг у қўлга олинди.

Би-Би-Си радиосининг хабарларига қўра ҳозир ҳам Швейцариядаги банклардан бирида Владимир Ульянов (Ленин)нинг ҳисобида тахминан 70 доллар сақланаётган экан.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Абдулла Абдуқодиров ва қимматли қўғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг бош директори Мурод Юнусматов иштирокида Республика биржа марказида матбуот конференцияси ўтди.


ХИФлар дастурини амалга ошириш бошқармасининг бошлиғи М. Ҳамидуллин, Европа ҳамжамияти комиссиясининг ТАСИС лойиҳаси, Жаҳон банки, ХИФлар Қўзғатув кенгаши раислари, Бошқарув компаниялари директорлари иштирок этдилар. Йиғилишда 40 дан ортиқ республика ва хорижий ом-

ференцияси бўлиб ўтди. Унда 1997 йил учун ХИФлар дастурини амалга ошириш бўйича дастлабки натижалар ҳамда ХИФларга ҳусусийлаштирилган корхоналар акцияларини сотиш бўйича бўлиб ўтган охириги ким оиди савдоси натижалари эълон қилинди.

Матбуот конференцияси ишида шунингдек, мавий матбуот воситаларининг вакиллари қатнашдилар.

Конференция иштирокчилари Ўзбекистон Республикасида қимматли қўғозлар бозорини ривожлантириш ҳамда оммавий ҳусусийлаштириш жараёни билан боғлиқ бўлган барча саволларга кенг қамровли жавоб олдилар.

Моҳира КАРИМОВА.



## Ўзбекистонда Украина маданияти кўнпарли

ШАҲАР ҲОКИМЛИГИГА ТАШРИФ

на халқ депутати П. Мовчан пойтахт ҳокими К. Тўлаганов билан самимий суҳбат чоғида Ўзбекистондан олган ўз таассуротлари ҳақида сўзлаб бердилар.

Меҳмонлар мамлакатимизда амалга оширилаётган тўб иқтисодий ислохотлар, улкан бунёдкорлик ишлари, миллий аъёна ва қадриятларини тиклаш йўлидаги саъй-ҳаракатлар таҳсинига сазовор эканини таъкидладилар. Украина маданияти кўнпарли икки халқ дўстлик байрамига айланган мамуният билан қайд этилди. Суҳбат давомида давлатларимиз ўртасидаги иқтисодий, иқтисодий, маданий ва илмий ҳамкорликни янада кенгайтириш юзасидан фикр алмашилди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазир Х. Жўраев, Украинанинг мамлакатимиздаги Фавкуллода ва Мухтор элчиси В. Сметанин қатнашди.

22 ноябрь куни пойтахтдаги Халқлар дўстлиги саройида Ўзбекистонда Украина маданияти кўнпарлининг таъини қилиш маросими бўлиб ўтди. Кеча Ўзбекистонда Украина маданияти кўнпарли қатнашчилари вазирларга жўнаб кетдилар.

(ЎзА).

## Хайрия

### МЕҲРИМИЗНИ ДАРИҒ ТУТМАЙДИК

Шайхонтоҳур туман ҳокимлигида Саудия Арабистони Халқаро хайрия ташкилоти ташаббуси билан хайр-эхсон тadbирли бўлиб ўтди.

— Мазкур хайрия ташкилоти вакиллари туманимиз аҳоли билан биринчи кун учрашиб тургани йўқ, — деди туман ҳокими Абдуқаҳҳор Тўхтаев. — Яқинда улар туманимиздаги 37-ақли ожиз болалар мактабидида ҳам хайр-эхсон ишларини амалга оширдилар. Уларнинг беминнат меҳр-муруватлари билан шу масканда тарбияланаётган болалар кўнглини хушнуд этдилар. Мана бугун туманимиздаги 40 нафар кам таъминланган оила фарзандлари ва етим қолган болаларга хайрия ташкилоти томонидан ажратилган махсус совғалар топширилди.

Шундан сўнг болалар учун ажратилган кийим-кечак ва ширинликлардан иборат совға-саломлар ўз эгаларига топширилди. Совғаларни Саудия Арабистони Халқаро хайрия ташкилотининг раиси Аднон Халил Яхё Бо-

## Анжуманлар

### ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРГА БАҒИШПАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Жарроҳлик илмий марказида республикамиздаги санитария-эпидемиология станциялари бош шифокорларининг эпидемиология, микробиология, юқумли касалликлар ва санитария-гигиенанинг долзарб муаммоларига бағишланган анжумани ўтказилди.



Унда республикамиз ва яқин хориждаги эпидемиология вазияти, бу борада олиб борилаётган амалий ишлар, касалликлар тарқалишининг олдини олиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

— Ҳозирги кунда республикамизда эпидемиология вазияти мураккаблашди, — деди Соғлиқни сақлаш вазирлиги санитария-эпидемиология бош бошқармасининг бошлиғи ўринбосари Бокжон Маткаримов. — Бунинг асосий сабабларидан бири қўшни республикалардаги вазиятнинг кескинлашуви-дир. Республикаларга сувнинг 45 фоизи Тожикистондан оқиб келади. Бироқ айни кунларда бу сувнинг ўта ифосланиб келиши натижасида турли юқумли касалликлар, айниқса, гепатит касаллиги ўта сезиларли даражада кўпайди. Шу боис бу анжуман ўз вақтида, энг долзарб муаммолар қўламида ўтказилди дегиси мумкин.

Бу йиғилишда ўз яқинига етётган 1997 йилда амалга оширилган ижобий ишлар, йўл қўйилган камчиликлар бирма-бир таҳлил қилинди. 1998 йилдан эса гепатитга қарши эмлаш ишларини олиб бориш ҳақида келишиб олинди.

Наргиз ПИРНАЗАРОВА.





**Бозор иқтисодиёти шароитида жабҳон бозорига чиқмай туриб ишлаб чиқаришни тараққий эттириш мушкул. Президентимиз ҳам бир неча бор корхоналарнинг экспорт салоҳиятини оширишга алоҳида эътиборни қаратганлар. Мамлакатимизда жабҳон бозорига маҳсулот тайёрлайдиган ишлаб чиқарувчилар учун катта имтиёзлар берилган.**

**Хўш, шахримиз саноат корхоналарида экспорт имкониятларини кенгайтириш учун қандай чора-тадбирлар қўрилмоқда? Бу йўналишда қандай муаммолар бор? Мухбиримиз ана шундай савол билан бир қанча корхоналар раҳбарларига мурожаат этди.**

## ИМТИЁЗЛАРДАН ОҚИПОНА ФОЙДАЛАНИШ ПОЗИМ

— Корхонамизнинг мебель маҳсулотлари республикада жуда харидорлигига эришган, — дейди «Файз» хиссасдорлик жамияти бошқарувининг раиси М. Азимова. — Харидорларни мебелнинг сифатлиги, пишиқ-пухталлиги, айниқса нархи нисбатан арзонлиги ўзига тортади. Биз аста-секин ташқи бозорга ҳам чиқа бошладик. Шу йилнинг 9 ойида экспорт ҳажми 585 миллион сўмликка етди. Лекин бу умумий ишлаб чиқариш ҳажмида ҳаммаси бўлиб 1,6 фоизни ташкил этади.

Экспорт имкониятларини кенгайтириш учун корхонамиз техника жиҳатидан қайта қуролантириш, янги технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари қўрилмоқда. Шу билан биргаллик маҳсулот сифатини мутасил яхшилашга астойдил ҳаракат қилинмоқда.

Четта маҳсулот чиқаришни кўпайтириш учун ҳамма имкониятларни ишга солиш талаб этилмоқда. Республикада мебель саноати учун хом ашёнинг асосий қисми ташқаридан келтирилади. Уларни хариб қилиш учун ўзимиз валюта ишлаб топшириш керак. Эркин алмашадиган валюта технологияни муттасил такомиллаштириб бориш учун ҳам зарур.

Экспорт имкониятларини кенгайтиришнинг корхонага нақадар афзаллигини бир мисол билангина исботламоқчиман. Масалан, биз 10 миллион долларлик хом ашё сотиб олсак, улардан тайёрланган маҳсулотларнинг қиймати 20 миллион долларга етади. Бу корхонага мўлмай фойда олиш, шу билан бирга ишлаб чиқаришни ривожлантириш, демек қўшимча иш жойлари ташкил этиш, ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш имконини беради.

Ана шуларни ҳисобга олган



Шахримиздаги бозорларнинг чети, баъзи жойларда эса гавжум йўлак бўйларига бесарамжон юриб, яқинлашганимиз захоти: «доллар олма, россияйский, таңга борми?» деб умидвор қараб турувчи валютафурӯшларни ҳамма билади. Уларнинг кундалик борйўқ «захмати» шу — арзон олиш, қимматига сотишдан иборат. Нарх-навоининг ошиши, чет эл валютасининг республика-

миздан ташқарига «оқи» кетишида ҳам бундай қимсаларнинг «улуши» анчагина. Яқинда, аниқроғи шу йилнинг 28 октябры кун Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг 16-маскан ходимлари томонидан 5-сонли «Тошкент-Москва» поезди йўловчилари божхона назоратидан ўтказилганда яна битта ноқонуний

## РАҚОБАТБАРДОШ — ДЕМАК БОЗОРИ ЧАҚҚОН

### РАҚАМЛАР ТИЛИ БИЛАН

● 1997 йил январь-август ойларида Тошкент шаҳри корхона ва ташкилотларининг ташқи савдо айланмаси 1 миллиард 510,4 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бу ўтган йилнинг шу давридан 3,9 фоиз кўп.

● 268,7 миллион АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилинди.

● Ташқи иқтисодий фаолиятда АҚШ бизнинг энг етакчи шеригимиз ҳисобланади. Бутун ташқи савдо айланмасининг 10,1 фоизи унинг ҳиссасига тўғри келмоқда. Германия (9,5 фоиз), Туркия (6,1 фоиз), Жанубий Корея (5,8 фоиз) ҳам яқин шерикларимиз ҳисобланади.

● Шу йилнинг 8 ойида пойтахтда хорижий шериклар билан ташкил этилган қўшма корхоналарда 30,8 миллиард сўмликдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарилди (ишлар бажарилди, хизматлар кўрсатилди). Бу ўтган йилнинг январь-август ойларида қараганда 2,9 баробар кўп. Хорижий шериклар иштирокидаги қўшма корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) салмоғи Юносбод (12,5 миллиард сўмлик ёки бултургидан 4 баробар кўп), Чилонзор (7,1 миллиард сўмлик ёки 3 баробар кўп), Мирзо Улуғбек (2,6 миллиард сўмлик ёки 2,5 баробар кўп), Собир Раҳимов (2,2 миллиард сўмлик ёки 2,7 баробар кўп) туманларида каттадир.

● Хар учта қўшма корхонадан биттаси саноат ишлаб чиқариши билан машғул. Улар томонидан 20 миллиард сўмликдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарилди. Шу жумладан озиқ-овқат саноатида 9,2 миллиард сўмлик, электр техника саноатида 5,6 миллиард сўмлик, машинасозлик ва металлга ишлов беришда 1,5 миллиард сўмлик, қимм ва қимм-нефт саноатида 1,5 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

холда келгуси йилдан бошлаб маҳсулот экспорт қилишни кескин кўпайтириш режаларини тузмокда-миз. Биз умумий ишлаб чиқариш ҳажмида экспорт салмоғини 30 фоизгача етказиш ниятидамиз.

Хиссасдорлик жамиятимизда ташқи иқтисодий алоқалар, савдо ва маркетинг махсус бошқармаси ташкил этилди. Бошқарма мутахассислари импорт-экспорт мутахассислиги, тузилган барча шартномаларга қатъий амал қилинишини назорат қилиб бормоқдалар. Шу билан бирга ташқи бозорни ҳам ўрганиб, ишлаб чиқаришни такомиллаштириш юзасидан муҳим таклифлар киритмоқдалар.

Экспорт имкониятларини кенгайтиришга «Файз» таркибиде ташкил этилган қўшма корхоналар ҳам ўз ҳиссасини қўшади. Уларда юмшқок мебель, қўрқам матолар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Республикада экспорт имкониятларини кенгайтириш рағбатлантириладиган жуда муҳим ҳужжатлар қабул қилинган. Хусусан, Президентимизнинг сўнги Фармонида ҳам ишлаб чиқарувчиларга яна қатор қўшимча имтиёзлар берилди. Жумладан, экспорт бож тўловлари бекор қилинди. Эндиликда корхона ўз маҳсулотини пулни олдидан олмасдан экспорт қилиш ҳуқуқига эга бўлди. Айни пайтда бизга чет элларда савдо уйлари очилган ҳам ижозат берилди.

Бу имтиёزلардан оқилона фойдаланиш ва экспортни кескин кўпайтириш ҳар бир корхона жамоасининг бурчидир. Жабҳон бозо-


рига чиқиш саноатимизни жадал тараққий эттиришга катта қўмак беради.

### ШАРТНОМА ИНТИЗОМИ БУЗИЛГАН

— Биз темир йўл составларини таъмирлаш учун 240 турда турли буюм ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарамиз, — дейди «Ўзтемирйўл-таъмирлаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош муҳандиси М. Глушченко. — Биргина пулат қуйиш цехимизда тепловозларни таъмирлаш учун 15 турда пулат қуймалари тайёрланади. Бизнинг шерикларимиз ҳам йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Улар орасида Санкт-Петербург шаҳри Октябрь темир йўли, Астрахань тепловоз таъмирлаш заводи, Марказий Осиё республикалари темир йўллари, шунингдек Ҳамдустлик турли мамлакатларидаги саноат корхоналари бор.

Йил бошида биз ҳаракатланувчи составни таъмирлаш учун 4,8 миллион АҚШ доллари миқдорида маҳсулот сотишни режаллаган эдик. Аммо ҳозирги вақтда экспорт ҳажми мўлжалдан 4 баробар кам бўлди. Бунинг турли объектив ва субъектив сабаблари бор. Уларни тўловлардаги муаммолар уларнинг асосийси ҳисобланади.

Масалан, 9 ой давомида ҳаракатланувчи составларни таъмирлаш учун 1,5 миллион АҚШ доллари миқдорида маҳсулот ишлаб чиқардик. Уларнинг 600 минг долларлиги Олмаота темир йўлига етказиб берилди. Аммо бу буюртмачи ўз шартнома мажбуриятини



### Божхона

## «БОШҚА ПУЛИМ ЙЎҚ», ДЕГАНДИ...

қилди. Лекин ўзини ҳар қанча «бечораҳол» кўрсатишга уринмасин, жовдирган қўзлари-ю, бежо хатти-ҳаракатлари унинг ичинда ўтаётган «зил»ни билдириб турарди. Бу бежиз-га эмас экан. Қайта текширувда унинг кичик суммаси ичиндан божхона баён-номасида кўрсатилмаган 1185 АҚШ доллари борли-

ги аниқланди. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 82-моддаси бузилганлиги қайд этилиб, ушбу ҳолат юзасидан суриштирув бошланди. Энди Флюса бунча пулни қаерга ва нима мақсадда олиб кетаётганлигини қонун посбонларига батафсил тушунтириб беради.

Мирқарим МИРСОВУРОВ, Давлат божхона қўмитаси бўлим бошлиғи.

**Киш яқинлашган сари одамлар ташвиши ортади. Биров уйини иситиш, яна қимдир қишга етарли ўтин-қўмир қамлаш, баъзилар эса рўзғорда энг кўп ишлатиладиган маҳсулотларни жамғариш пайига тушиб қолишади. Албатта картошка, пивз муаммоси ҳам бундан мустасно эмас. Мана шундан бўлса керак, оқшомхонларимиз тахририятимизга тез-тез қўнғироқ қилишиб ҳамшаҳарларимизни қиш мавсумида сабзавотлар, айниқса, картошка ва пивз билан таъминлашга масъул бўлган «Тошшаҳармеваабзавотсаноат» бирлашмасининг қиш мавсумига қандай тайёргарлик кўргани билан қизиқишяпти. Бу йил бирлашма қишга етарли картошка ва пивз жамғара оладими, деб сўрашмоқда. Биз ушбу талаб ва истакларни ҳисобга олиб бирлашма раиси Неймат Шокиров билан учрашиб, суҳбатлашдик. Корхона комбинатларида бўлиб қайтдик.**

— Ўтган йил биз учун анча серташвиш бўлди. Чунки баҳоси ва йўл харажатлари ошиб кетгани учун четдан картошка ололмадик. Бутун эътиборимиз ўз вилоятларимиздаги картошка етиштириладиган ҳудудларга қаратилди. Илоҳи борица картошкадан мўл ҳосил олишга ҳамда уни қиш мавсумига етарлича жамғаришга ҳаракат қилдик. Бунда бизга яққол ва фермер хўжаликлари

— Албатта. Масалан, бу ҳисобга 13 минг тонна сабзи, 11 минг тонна қарам, 1200 тонна тузлама ва яна бошқа майда-чўйдалар кирди.

— Ҳозир бирлашма ихтиёридаги 5 та комбинатдан қайсыларида иш яхши кетаяпти?

— Анвар Нурматов бош бўлган 3-комбинат, Шоюсуф Маҳкамов раҳбарлигидаги 2-комбинат, Баҳодир Абдурахмонов бошқараётган 6-комбинатларда аҳвол

келтирилиб турибди. Шунингдек, бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини жамғариш ҳам режа бўйича борапти. Хусусан сабзи, қовоқ, лавлаги қамлаш ишлари якунланмоқда.

Бирлашмага қарашли 2-мева-сабзавот комбинатида бу йил бир қатор янгиликлар содир бўлди. Хусусан директор ўзгарди. Бу лавозимга келган янги бошлиқ Шоюсуф Маҳкамов ҳам анча тадбиркорлик билан иш юритмоқда. Хусусан комбинатда картошка ва пивз жамғариш олдинги йилларга нисбатан унумли бўлмоқда.

Биз комбинатда бўлган кунимиз директор бир гуруҳ вакиллари билан бирга картошка жамғариш масаласида Наманган вилоятига жўнаб кетган экан.

Хизматчилар билан суҳбатлашдик. Улар бизни қиш тайёргарлиги бўйича олиб борилаётган ишлар билан таништиришди.

— Энг муҳими картошка билан пивз жамғариш режалари олиб борилаёпти, — дейишди улар.

Омборхоналарни айланиб улар тула таъмирдан чиқарилганининг шохиди бўлди. Техникалар ҳам яхши соланганлиги улар иш суръатининг тезлигини кўрсатиб турибди. Айниқса бу ерда қишга маҳсулот тузлаш ишига эрта киришилганлиги эътиборга лойиқ. Комбинатни махсус тузлама хонасида қарам, помидор, бодринг маҳсулотларига қайта ишлов берилаёпти. Ҳозиргача 15 тоннадан ортиқ тузлама тайёрлаб қўйилди.

Баҳодир Абдурахмонов бошчилик қилаётган 6-комбинат хизматчилари ҳам ўз зиммаларидаги масъулиятни ҳис этиб меҳнат қилишяпти. Директорнинг бир зум тиними йўқ. Ҳали у машина, ҳали бу машина томон чопади. Келтирилган маҳсулотлар сифатини кўздан кечирилади, йўл-йўлакай ишчиларга топшириқлар беради. Хизматчилар ҳам буюрилган ишни баҳониди ба-жаришади. «Дам ганимат, қишга қанча етарли маҳсулот жамғарасқ ўзимизга фойда», дейишади улар.

— Шу бутун комбинатимизга 20 тоннадан ортиқ картошка келтирилди. Зудлик билан оқларни машинадан тушириб олмасак бўлмайди, — дейди директор.

— Бу маҳсулотлар асосан қайси вилоятлардан келган?

— Турли вилоятлар — асосан Самарқанддан.

Картошка ортилган машинага бош бўлиб келган вакил Д. Дўстмухамедов билан суҳбатлашдик.

— Шартномачилари-

миз билан юзма-юз гаплашай, уларга маҳсулотимиз сифати маъқул бўлганини, йўқ-ми, деган мақсадда бу ерга келдим, — дейди у. — Хайрият, маҳсулотларимиз уларга манзур бўлганганини эшитиб, хурсанд бўлдим.

— Комбинатимиз асосан ички ишлар хизматчиларини маҳсулот билан таъминлайди. Улар билан ҳамкорлигимиз йил сайин мустақамлашиб борапти. Энг муҳими улар берилган ҳар бир буюртма учун бизга олдиндан пул ўтказиб беришади. Бу эса маҳсулот савдо хариб масаласида анча енгиллик туғдирапти, — дейди Баҳодир Абдурахмонов охирида.

Кўрган-кечирганларимиздан хулоса чиқариб айтишимиз мумкинки, «Тошшаҳармеваабзавотсаноат» бирлашмаси бозор иқтисодиёти мураккабликлари қарамай имконият даражасида ишлаяпти. Тўғри, бу ерда яхши ишлар билан бир қаторда баъзи муаммолар ҳам кўзга ташланади. Лекин бирлашма қўлдан келганча бу нуқсонларни ҳам имкон қадар очигина ҳаракат қилмоқда. Энг асосийси картошка ва пивз жамғариш иши узлуksиз ташкил этилганлиги ва бу масалда ҳеч бир узил-сизил сезилмаётганлиги эътиборга лойиқ.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.

## Қиш тайёргарлигини ёқтиради ТАЪМИНОТДА УЗИЛИШ БЎЛМАЙДИ



яқиндан ёрдам беришди. Ўтган мавсум давомида бозор пештахталарида картошка ва пивз арилади. Эндиликда бу борада анча таҳриба ортирганмиз. Бунинг устига дала-ларда картошкадан мўл ҳосил олинапти. Лекин шундай бўлишига қарамай қиш тайёргарлигини эрта бошладик. Шу кунгача 5 минг тонна картошка ва 5 минг тонна пивз жамғариб улгурдик. Умумий режа бўйича 32 минг тоннадан ортиқ картошка ва 10 минг тонна пивз жамғаришимиз керак.

Яқинда Тошкент шаҳар ҳокимлигида ҳам шу масала кўриб чиқилди. Ҳоким фармойиши билан шахримиздаги туман ҳокимларининг ўринбосарлари бирлашмамиз ҳокимлари билан биргаллик даъмул мўддатга республикамиз вилоятларига сафарбар этилдилар.

— Бу ҳисобга хусусан қайси вилоятлар кирди?

— Андижон, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Фарғона вилоятлари. Балки шу ўринда нега айнан шу вилоятлар танланди, деган савол ҳам туғилиб қолиши мумкин. Албатта бирлашмамиз қолган вилоятлар билан ҳам ўзаро шартнома тузган. Лекин биз юқорида тилга олган вилоятларга маҳсулот учун олдиндан пул ўтказиб қўйганмиз. Яна ҳам аниқроғи уларнинг бирлашмамиздан қарзи бор.

— Бир-иккита аниқ мисолларни келтириш мумкинми?

— Масалан, Тошкент вилояти биздан 126 миллион сўм қарздор. Бу рақам Жиззахда 87 миллионни, Самарқандда эса 65 миллионни ташкил этади.

— Сир бўлмаса айти-нгчи, шартнома бўйича қайси вилоятлардан қанча картошка келтирилди?

— Намангандан 4 минг тонна, Самарқанддан 3 минг тонна, Фарғонадан 2 минг тонна, Андижондан 1 минг тонна, Тошкент вилоятидан эса 11 минг тонна картошка келиши кутилмоқда. Хуллас, биз бу йил махсус таъминотчилар учун 21 минг тонна картошка жамғаришимиз керак. 12 минг тонна картошкани эса ўз кучимиз билан жамғарамиз.

— Қишга сабзавотнинг бошқа турларидан ҳам етарлича қамланса керак?

анча дуруст. Уларнинг хизматчилари ўзлари елиб-юғуриб қишга мўл-қўл маҳсулот жамғаришяпти.

— Бу хусусда муаммолар ҳам етарли бўлса керак?

— Шубҳасиз. Биринчидан, хўжаликлар маҳсулот учун ўта баланд нарх қўйишяпти. Иккинчидан, баъзи маҳсулотларнинг сифатсизлиги бизни қийнамоқда. Хуллас муаммолар кам эмас. Бироқ замон биздан тадбиркорлик билан иш юритишни талаб қилаётган экан, ҳар бир муаммонинг чорасини топишга ҳаракат қилишимиз. Излаган имкон топади, деб бежиз айтишмаганку, ахир.

Ҳақиқий аҳвол билан яқиндан танишиш учун бирлашмага қарашли комбинатларда бўлдик. 35 минг тонна маҳсулот сақлашга мўлжалланган 3-комбинат Янгиобод ҳудудига жойлашган. Бу ерда ҳозир дастлабки сара пивзлар музохоналардан ўрин олмақда. Хизматчилар картошкани саралаш, уни контейнерларда сақлаш учун жойлашмоқда. Баъзилар маҳсулотни тузлаш ва уларни қайта ишлаш юмушлари билан банддирлар. Хуллас ҳамма учун иш етарли. Бу ерда яққол қўзга ташланган нарса биринчи навбатда озодалик.

Айни иш қизгин палла бўлишига қарамай комбинат ҳудуди саранжом-саришта. Катта контейнерларга жойланган маҳсулотлар омборхоналарга тартиб билан териб қўйилган. Хар бир омборхона учун масъул кишилар ажратилган. Улар маҳсулотни меъёридаги иссиқ-совуқ билан таъминлаб туриш, ўз ҳудудларини озода сақлашнинг назорат қилиб боришади.

— Ҳозир биз учун энг долзарб палла, — дейди комбинат директори Анвар Нурматов, — даладан келтирилган ҳосилни келгуси пишиқликка етарли миқдорда қамлаб олмасак ҳамшаҳарларимиз олдида уялиб қоламиз. Шунинг учун бор имкониятни ишга соляпмиз.

Комбинат шу йил 2 минг тонна пивз, 3 минг тоннага яқин картошка жамғариши керак. Ҳозирги кунгача белгиланган маҳсулотнинг 50 фоизи омборхоналарга туқиб бўлинди. Хар кун комбинатта Андижон, Самарқанд ва Тошкент вилоятлари далаларида 15-20 тоннага яқин картошка





№ 10 (71) Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг саҳифаси

## Хушхабарлар

ИБРАТ  
ОПСА  
АРЗИЙДИ

● Сергели туманидаги «Омад-Резина» очик турдаги ҳиссадорлик жамиятида ДКВР буг қозони тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Чанг-газ тозаловчи жиҳозлар батамом янгиланди.

● «Мебель» ҳиссадорлик жамиятида ёмғир, оқава сувлар йиғиладиган махсус иккита ўра таъмирдан чиқарилди. Қозонхонада режим билан ишлайдиган махсус соғлаш картаси ишлаб чиқилди. Чангдан тозаловчи қурilmалар таъмирдан кейин тўлиқ ишламоқда.

● «Қизил ёғоч» ҳиссадорлик жамиятида уч тадбир бажарилди: сув таъминоти учун қудуқ қайта тикланди, 300 метрли сувқувурлар алмаштилди, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари омбори атрофи тозалабди, нихоллар ўтказилди.

● «Ўзйўлқурилиш-таъмир» трести туман бошқармасида таъшиқ канализация қурилиши лойиҳаси ишлаб чиқилди, айланма сув таъминоти тизими таъмирдан чиқарилди, асфальт қориштиргичлардаги горелкалар алмаштилди.

● Сергели аэропортида сувдан махсус фойдаланиш учун рухсатнома расмийлаштирилди ҳамда қорхонада ҳудудидан оқиб ўтувчи Чортқок канали ўзати тозalandи.

● ЭПЭКУ қорхонасида қозонхоналар қўмир ўрнига газ билан ишлаб боради. ОҚА-1 горелкаси билан таъминланган ҚВА-1 қозонлари ишга туширилди. 5 та қозон батамом таъмирдан чиқарилди.

Олти минг гектарлик ҳудудга эга Сергели тумани шахримизнинг катта саноат зонасидир. Бу ерда 33 та йирик қорхоналар мавжуд. 10-қурилиш саноати қўшма қорхонаси, қора ва рангли металл иккиламчи қайта ишлаш, фуқаро авиацияси заводлари шулар жумласидандир. Бундан ташқари 1000 дан зиёд кичик, шахсий қорхона, фирмалар ҳам борки, уларнинг саноатини тўлиқ тасаввур қилиш қийин.

Туман аҳолиси зич жойлашгани сабабли экологик муаммоларнинг ҳал этилиши муҳим аҳамиятга эгадир. Шу сабабли 22 та ҳавони муҳофаза қилиш тадбири ўтказиб белгиланиб, унга 7 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилган эди. Амалда эса 19 тадбир амалга оширилди, 7 миллион 99 минг сўм сарф этилди. Ўтган 9 ой мобайнида қўмитамиз назоратчилари 58 марта сув муҳофазасига бағишлаб текширишлар ўтказдилар. Йўл қўйилган қоидабузарликларни бартараф этиш учун 445 та йўл-йўриқлар берилди, улардан шу бугунгача 321 таси бажарилди. Йўл қўйилган қоидабузарликлар учун 22 насабдор шахслар маъмурий жавобгарликка тортилдилар, умумий миқдори 26825 сўм жарима тўландилар.

Рақамларга мурожаат этсак, манзара янада ойдинлашади. Сув муҳофазаси бўйича 38 тадбирнинг 21 таси тўлиқ амалга оширилиб, ажратилган салкам 9 ярим миллион сўмнинг 8 миллиондан зиёдроғи ўзлаштирилди. Бир нечта тадбир чала адо этилди. Қўполсантирадиган техника билан таъминлаш ҳам кўзда тутилган.

## Туманларда

ҚОҒОЗДА  
ВА  
АМАЛДА

лари ҳали яқунланмаган. Ёнилғи қўйиш шохобчаси, Жанубий Сергели канализацияси («Ўзйўлқурилиш» раңгли металл) ҳиссадорлик жамияти ва бошқа қорхоналар учун қурилишлари, «Омад-Резина» очик турдаги ҳиссадорлик жамиятининг айланма сув тизимини ишга тушириш муаммолари шулар жумласидандир. Амалга оширилиши кўзда тутилган 50 та ҳавони муҳофаза қилиш тадбирининг ҳам 40 таси нихоясига етказилди. «Тошкент» аэропортида сув муҳофазасига 6 миллион сарф этилиб, 5 тадбир ўтказилиши белгиланган эди. Барча тадбирлар бека-

Поитхатда «Ай-сель», «Демир», «Будимекс», «Уретим» сингари хорижлик қурилиш ташкилотлари бунёдкорлик ишлари олиб бораётганларидан хабарингиз бор. Хали бирон киши улардан шикоят қилиб келганларини билмайман. Сабаби, чет эллик қурувчилар барча ишни рисоладагидек бажардилар. Улар меҳнат қилаётган қурилиш майдончаларида бирон марта чанг-тўзон кўтарилгани, очик ҳавода битумлар ёнганини эслолмайман. Биз улардан ибрат олсак бўлмайdimи?

Шаҳримиз аҳолиси учун чинакам дарди бўлган тутаётган ахлат тепалари ҳамон кўпайгандан кўпаймоқда. Ҳаммани айблаб бермайлик. Сергели, Миробод, Ҳамза, Мирзо Улуғбек туманлари ҳокимликлари имкон қадар ахлат, чиқиндиларга барҳам бе-

ришга эришмоқдалар. Қўчаларни, маҳалла ҳудудларини вақти-вақти билан тозалашда ҳашарлар уюштирмоқдалар. Ҳашарда қорхона ишчилари, хизматчилар, маҳалла ахли, мактаб ўқувчилари фаол қат-

нашмоқдалар. Туман ободончилик бошқармалари жонқуярларга чинакам кўмакчи бўлмоқдалар. Айни пайтда бу ҳашарларнинг тарбиявий томонини ҳам унутмаслик керак. Шу сабабдан ҳам шаҳар бўйича ўтказилган ЭКО-шоуда қўриқда тилга олинган туманлар мактабларининг ўқувчилари энг яхшилар қаторида бўлдилар.

Муносабат  
ДОҒ ТУШМАСИН

нашмоқдалар. Туман ободончилик бошқармалари жонқуярларга чинакам кўмакчи бўлмоқдалар. Айни пайтда бу ҳашарларнинг тарбиявий томонини ҳам унутмаслик керак. Шу сабабдан ҳам шаҳар бўйича ўтказилган ЭКО-шоуда қўриқда тилга олинган туманлар мактабларининг ўқувчилари энг яхшилар қаторида бўлдилар.

Чилонзор туманидан эса танловда иштирок этиш ҳам бор. Туман қўчалари, айниқса, мавзела орасидаги очик жойлар ахлатхоналарга айланиб қолди десак хато бўлмайди. Муқимий қўчасидаги 158-уйининг олдида кичкина хиёбонча бўлар, бу ерда кексалар хордиқ чиқариб, болалар ўйнашар эди. Ҳозир у ерда кечую кундуз тутаётган ахлатхона мавжуд. Охирги марта июлда ушбу тоғни «ағдаришга» уриниб қўришган эди. Ҳозир эса ахлат машиналари ҳафта-

да бир келди, номига ахлат ортидан бўлинадиган келтилади. ЖЭК бошлиғи К. Рўзимов эса «тоққа» ўт қўйишдан яхши чора тополмади. Шундай нурамас ахлат «тоғи» «Ҳамза» метроси бекати ёнида ҳам қад ростлапти. Қаерда денг, собиқ хиёбонларнинг ўрнида, шундоқкина ЖЭКнинг тумшуги тағиди!

Коммунал уйлардан фойдаланиш бошқармасининг собиқ бошлиғи ишнинг урдадими учун ўз ўрнини буюшган эди. Ҳозирги бошлиқ ҳам бугун-эрта ишга киришиш нияти йўқ чоғи.

Бу гапларни куйганимиздан айтаятиримиз. Тошкент шитоб билан тарак-қий энтаётган поитхат. Юртимиз кўзгуси. Шу кўзгунини ахлат «тоғ»лари доғ қилмасин деймиз.

Артур МУСТАФИН,  
шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси назорат гуруҳи бошлиғи.



«Севаман. Олтин куз севаман жондан» деб ёзганда шоир табиатдан беадад илҳом олган. Чиндан ҳам олтин бу фасл қайси юракка илҳом солмайди? Рустам Шарипов олган сурат.

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг фармойиши билан ўтказилаётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш икки ойлиги давом этмоқда. Ушбу тадбир айни пайтда табиатга бўлган муҳаббатимизнинг ўзига хос кўригига ҳам айланиши лозим.

Чикинди масаласида бонг урилмаган вақт камдан кам бўлган. Қўмиб ҳам кўряпмиз, ёқиб ҳам кўряпмиз, охири бор-эй, деб ташлаб ҳам кўряпмиз. Сал фурсат ўтмаёқ худди уйдек келадиган чиқиндилар яна дилини хира қилаверди.

Показалик фақат ахлатга боғлиқ эмас деб ўйлаймиз. Бир қарашда тўғри фикр: уй-жойларни, ҳовлиларни қатронлаб чиқсак, камида бир челақ ахлат чиқади. Уни кўмадигани ҳам бор. Шох-шабаларни майдалаб олиш ҳақида ҳам гап бўлди. Ҳозир деярли ҳар бир уйда газ бор. Утин деярли зарур эмас. Бунинг устига кўпчилик «дом»ларда яшайди.

Эс-эс биланам, бир аравақаш бўларди. Кўча-кўйларда «Эски-туски оламан» деб бақириб юргувчи эди. Одамлар латта-путтадан тортиб, қалиш-этиклариғача олиб чиқиб беришарди. Бир гал ундан сўрашди:

— Шунча эски-тускини нима қиласиз? Қаерда ишлайсиз ўзи?

— «Утилсир»да, — деганди у киши.

Уша пайтларда одамлар кам эдимиз ёки жуда бугунчилик бефарқ эмасмиди, ҳайтовур чикинди муаммолари жуда унақа кўндаланг бўлиб қолмаганди.

Энди ўйлайман: ўша ташкилот бормикин? Эски-тускиларни йиғадиган, уни қабул қиладиган идоралар тарқалиб кетмаганимкин?

Лоқайдлик, бепарволик дардига йўлиққанамиз ёмон бўлди-да. Бир-иккита мисоллар айтاي.

Ҳар куни Амир Темур хиёбонидан ўтиб, ишга келатганда кўчаларни ихлос билан супураётган фаррошларга дуч келамиз. Кўнига ҳазонлар йўл четиди ариқларга ташлаб юборилади. «Нега бундай?» десак, «Ҳаммасини бир ерга йиғиб, кейин олаемиз»

## Икки ойлик

БЕОРОМ  
БОНГ

дейишади. Супуриб бўлган махсус қанорларга солиб, олиб кетилса бўлмасмикан?

Бир гал транспорт ҳаракатига боғлиқ бўлиб, Лабзак маҳалласи оралаб Хуршид кўчаси билан Асомов кўчасига чиқдик. Кўзларимизга ишонмадим: то катта кўчага чиққунча иккита катта ахлат уюмига дуч келдик. Тагин орасида болалар ўйнаб юрибди денг. Нима десангиз топилади. Уч-тўрт машина чиқаров... Бунинг устига кўчаларнинг ифлослигини айтмайсизми? Демак, катта-катта кўчаларнинг юзи тоза бўлгани билан камқатнов кўчаларда ахвол шу экан-да! Бу показаликка қирмайди-ку! Демак, бу ерларга махсус машиналар ойда бир марта ҳам «ташриф» буюрмас экан-да!?

Ободончилик икки ойлиги ҳар йили баҳорда ва кузда ўтказилади. Маълум юмушлар бажарилади, маълумотномалар тузилади. Бу иш ҳар йили так-

ропланеди. Қолган саккиз ойда ободончилик қилинмайди? Тўрт ой шахримиз учун етарлими? Асло йўқ!

Шаҳримиз бағридаги ўзгаришларни кўриб севинчдан дилингиз ёришиб кетади. Лекин бу қурилишларга мос ободончилик, яшил либос ҳам зарур-ку!

Бир пайтлар шанбалик бўларди. Шу куни бир йил мобайнида йиғилиб қолган ишлар бажариларди. Кўчалар тозалаларди, ариқлар қавларди, дарактларга шакл бериларди. Хуллас, эрталабдан кечгача шаҳар бағри ороийш толарди. Бироқ бир ерга тўпланган чиқиндилар ўрнида ойлаб турарди. Бир йил мобайнида ариқлар тўлиб қоларди. Ҳаммаёқ яна асли холига келарди. Чамаси мана шу «қизил шанбалик» ҳаммамизнинг онгимизга сингиб кетганов. Бўлмаса бунчалар бепарво бўлмасдик.

Туман ободончилик бошқармалари, шаҳар ободончилик бошқармаси баҳоли қудрат иш-олиб бораётганига шубҳа йўқ. Лекин кам. То зиммамиздаги юмушларни қўл учидан эмас, жон-дилдан бажармагунимизча бирон нарсаси эришиш мумкин эмас.

«Олмоқнинг бермоғи бор» дейди халқимиз. Бугун табиатга берадиган пайтимиз келди. Уни мусоффо ҳолида сақлашимиз учун бугун биргина фазилат талаб қилинган: фидойилик, қўнқачлик. Ахир ҳаммамизда бор-ку бу фазилат! Бугунги кунимиз учун эмас, эртанги кунимиз учун фидойи бўлайлик! Табиат мана шундоқ деб беором бонг уряпти.

Ғолиб МИРЗО.

Табиатни муҳофаза қилиш шаҳар қўмитаси назоратчилари ўтган ойда 180 марта қорхона, муассаса, ташкилотларда бўлиб, ҳаво, сув тупроқнинг экологик ҳолатини кўздан кечирилдилар. Назоратчи бўлгандан кейин текширилади-да деб ўйловчилар ҳам топилади. Лекин назоратчининг вазифаси фақатгина камчилик, қонунбузарликни аниқлаш эмас. У камчиликларнинг олдини олиш, йўл қўйилган нуқсонларни бартараф этишга кўмаклашиш ҳам керак.

Томларда тутаб, қўкка буралаётган тутунларга айниқса, ҳозир, куз ойларида кўплаб дуч келмоқдамиз. Бунинг айбодори ким деб ўйларсиз? Қурувчиларимиз. Ёнаётган битумни кўз олдингизга келтиринг. Тагин очик ҳавода-я! Ҳам нафас олишга зиён, ҳам том сифатсиз ҳолга келади.

Ҳар бир ишнинг ўз қонун-қоида-си бор. Қўмитамиз назоратчилари бундай ҳолнинг дарҳол олдини олишга интиладилар, оғохлангирлар, жарима соладилар. Шундай қилиб ЖУИ устаси А. Кочергин, участка бошлиғи Р. Ибраев, прораб Ю. Буровнинг ҳар бири 2250 сўмдан; В. Ключков 3750 сўм, фирма директори Э. Брайтман 2250 сўм, участка бош муҳандиси А. Подлесная 3750 сўм, шунингдек, яна бир нечта масъул ҳодимлар умумий 15500 сўм жарима тўлайдиган бўлишди.

То ҳануз қўлгина қорхоналарнинг мутафаддилари экологик экспертиза лойиҳасининг ижобий баҳоланишига етарли аҳамият бермаётдилар. «Табиат ҳақида»ги қонуннинг 25-моддасида кўзда тутилган бу маса-

ла атроф-муҳит мусофологитини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Айтайлик, ишлаб чиқариш цехи ёки бошқа иншоот қурилмоқчи. Технология меъёрига етмаган бўлса, ҳавога зарарли моддалар чиқарилиши, тозаланмаган сувларнинг ҳавога қўйилиши, ортқача шовқин-суронлар вужудга келиши тайин. Бундан энг даставвал ким захмат чекади? Одамлар. Мана шу ерда маромига

## Мушоаа

ГАПНИ ГАП  
УҚҚАНГА...

етган, тугал лойиҳалар зарурлигини ҳис этамиз. Ўтган ойда «Автомобиль», «Семур», «Макс» кичик қорхоналари, «Хю Квант Жанг» қўшма қорхонаси, «Ал-Нигорий» фирмаси, «МФЕ», «Вертуссо» масъулияти чекланган жамиятларда лойиҳалар чала ишланганлиги аниқланди. Қонунга нописандлик уларнинг мутасаддиларига қимматга тушди: қонунбузарлик даражасига қараб энг кичик иш ҳақининг 3 каррасигача миқдорда жарима тўлайдилар.

Қўлгина қорхоналарда назоратчиларимиз берган йўл-йўриқлар, қўрсатмаларнинг бажарилаётганини маълум бўляпти. Масалан, шаҳар прокуратураси билан биргаликда «Гўштсутасовдо» ишлаб чиқариш бирилмасида ўтказилган текширишда қўлгина камчиликлар аниқланди. Йўл-йўриқлар бажарилмагана-

ми қайд этилди. Беш киши эса маъмурий жазога тортилди. Чанг тозаловчи ускуналарининг ишлатилмагани, кўпчилиги носоз аҳволдалиги учун бош муҳандис Б. Идрисовга 2250 сўм жарима (учинчи марта!) солинди. Ерда нефть маҳсулотлари сочилиб ётгани учун (улар ер ости сувларини ифлослантиради) компрессор станцияси бошлиғи В. Симишенко ҳам «қуруқ» қолмади. Биз бу масалага яна қайтишимизни эслатиб қўйиш жоиз.


Куз келди. Дарактлар тилларанг либос кийди. Уюм-уюм ҳазонларни ёқиб мавсуми бошланди. Қўмитамиз назоратчилари туман ободонлаштириш бошқармалари билан биргаликда аниқ чора-тадбирлар кўрмоқдаларки, токи ҳазон муаммолари шахримиз ободончилигига зиён етказмасин. Ҳар бир уюм ҳазонни ёқмангллар, уларни махсус ўраларга олиб бориб қўмингллар, деб ҳаммага бирма-бир айтиб чиқиш қийин. Айниқса болалар эрмак учун ҳам ёқиб, томоша қилиб тураверадилар. Тўғри, ёқилганда уюм-уюм ҳазонлар йўқ бўлади, лекин ҳала ишланганлиги аниқланди. Қонунга нописандлик уларнинг мутасаддиларига қимматга тушди: қонунбузарлик даражасига қараб энг кичик иш ҳақининг 3 каррасигача миқдорда жарима тўлайдилар.

Умид ИСРОИЛОВ,  
шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси мутахассиси.

ТОПҚИРЛИК  
МАШҚИ

Машқ жавобларини шаклдаги рақамли хондан ёй бўйича ёзиш билан ҳал этинг.

1. Ер сиртида ҳосил бўладиган юпка қорсимон зарра. 2. Йирик баргли, серсоя дарахт. 3. Овчилар қўлга ўргатиб фойдаланадиган йиртқич қуш. 4. Йирик мевасининг хомроғидан сут, пишиб етилганидан ёғ олинадиган жануб дарахти. 5. Қовун нави. 6. Ёғингарчилик. 7. Ҳавонинг ер сирти бўйлаб ҳаракати. 8. Териси игналар билан қопланган кемирувчи. 9. Ер остидан чиқаётган сув манбаи. 10. Марказий Осиёдаги пасттектислик. 11. Ёғ аввал гуллайдиган мева. 12. Тоғнинг ўтмиш қулай бўлган жойи. 13. Қирғовуллар оиласига мансуб қуш. 14. Майда оқиб баргли, ўзига хос хидли қўп йиллик ёввойи гиёҳ. 15. Қизил китобга киритилган камёб қўл жонивори. 16. «Айёр» йиртқич. 17. Қазилма, ёқилғи тури. 18. Қучли шамол, тўзон куй қор-ёмғир аралаш рўй берадиган табиат ҳодисаси. 19. Рес-



публикамизда иқлимлаштирилган субтропик ўсимлик. 20. Қувур шохлилар оиласига мансуб, камёб чопқир жонивор. 21. Ёқилғи ва кимё саноатида хом ашё сифатида ишлатиладиган газ тури. 22. Шамсий йил ҳисобидида куп ойларидадан бири. 23. Бир турли попукли ўсимлик. 24. Дуккакли экан тури. 25. Марварид ҳосил қиладиган денгиз жонивори. 26. Юмшоқ, рангли металл. 27. Бошқили галла ўсимлиги. 28. Гирашира тўғ ёришган пайт. 29. Баъзи навлар мам-

лакатимизда етиштирилаётган таъми ширин ҳўл мева. 30. Қояларнинг ёриқларида табиий ҳолда ҳосил бўладиган шифобахш модда. 31. Ботқоқлик ва қўлларда яшовчи қўчманчи қуш. 32. Пардоз бўёғи сифатида ишлатиладиган модда. 33. Уфқ ортидаги кўзга қўринмайдиган нарсаларнинг ҳавода акс этиб кўринишидан денгиз ташбиат ҳодисаси. 34. Атиргулчилар оиласига мансуб ўсимлик.

Ғозилжон ОРИПОВ.

Пўлма  
ЭХТИЁТ БЎЛИНГ,  
СИМОБ!

Тунги Тошкентнинг гузаллигини кўрган бўлсангиз керак албатта. Чироқларнинг пориллаб туриши қалбингизда ширин туйғуларни уйғотади. Люминисцент чироқлар ёруғлиги кўзни қамаштирмайди. Шовқинсиз, лекин симобли! Ишдан чиққан чироқларни болалар ўйнаб юрганини, синдиришаётганини кўп марта кўрамиз. Лекин аҳамият бермаймиз.

Чакки қиламиз. Люминисцент чироқларнинг ҳар биттасида ҳавода хавфли бирикма ҳосил қилишга етадиган миқдорда симоб мавжуд. Шаҳримиздаги қорхона, ташкилотларда тўпланиб қолган ишга яроқсиз бундай чироқлар эса 250 мингтадан ошади.

Яроқсиз чироқларни нима қиламиз, деган савол туғилади. Уларни ташлаб юбораман. Чўки ишга яроқсиз чироқларга иккинчи ҳаёт бағишлаш борасида олимларимиз ингилки яратмоқдалар. Бу ҳақда албатта хабар берамиз.

Алишер МУХСИМОВ,  
шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси мутахассиси.



### Тошкент шаҳар ҳокимлигида шаҳарда Инсон манфаатлари йилида амалга оширилётган ишлар муҳофазасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда барча туман хотин-қизлари кўмиталарининг раислари, шаҳар соғлиқни сақлаш ва халқ таълими бош бошқармалари вакиллари ҳамда турли жамоат ташкилотлари раҳбарлари иштирок этдилар.

Шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитасининг раиси Фарида Абдурахимова 1997 йил «Инсон манфаатлари йили» деб эълон қилиниши билан кўмита ўз фаолиятининг бош йўналишини хотин-қизлар ва ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, оилаларни ижтимоий муҳофазалаш ва уларни мустақамлашга қаратилган таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Ҳуқуқий маърифат-тарбияот марказини ташкил қилиш ва ҳуқуқий адабиётларни аҳолига етказиб беришни йўлга қўйиш тўғрисида»ги қарорларининг бажарилишини таъминлаш мақсадида шаҳар хотин-қизлар кўмитаси ўзининг чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқди ва шу режа асосида маҳаллаларда, меҳнат жамоаларида, жойларда, олий ва ўрта таълим йўналишларида ёшлар орасида ҳуқуқий маданиятни такомиллаштириш ишларини олиб борди, очик мулоқотлар, давра суҳбатлари уюштирди. Шу муносабат билан кўмита «Олима аёллар» марказини ташкил этди ва ҳозирги кунда бу марказ қошида «Ҳуқуқшунос аёллар» уюшмаси фаолият кўрсатиб келмоқда. Уюшмани ташкил этишдан асосий мақсад ҳуқуқий масалалар бўйича мунозаарат қилган хотин-қизларимизга маслаҳат беришдир. Ҳозирги кунда Акмал Икромов, Ҳамза, Шайхонтоҳур, Чилонзор, Бектемир туманларида ҳам шундай уюшма ташкил қилинди.

Хотин-қизлар ва ёшларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш борасида 150 дан ортиқ даҳаларда, укув юрталарида давра суҳбатлари ва семинар уч-

### Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитасида

## СОҒЛОМ АВЛОД — СОҒЛОМ ЖАМИЯТ НЕГИЗИДИР

рашувлар ўтказилиб, бутун диққат-этибор демократик давлат қуришда аёллар, хотин-қизларнинг асосий ўрни ва уларнинг иштироки, оилада фарзанд тарбияси масалаларига қаратилди.

Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитаси Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази ва Тошкент шаҳар Етақчи аёллар маркази билан ҳамкорликда «Аёл ҳуқуқлари — инсон ҳуқуқлари» мавзусида илмий-оммавий анжуман ўтказди.

Шунингдек, жойларда фуқаролар фикрини ўрганиш, ёшларга бўлган эътиборни кучайтириш, баҳолатга етмаган ёшлар, хотин-қизлар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида маҳаллаларда ҳуқуқни муҳофазасига қилиш идоралари ва туман хотин-қизлар кўмиталари билан ҳамкорликда «Аёл ва қонун», «Ёшлар тарбиясида — маҳалла», «Аёл, мустақиллик ва ҳуқуқ» мавзуларида давра суҳбатлари ўтказилди.

Еш қизлардаги имон-этикод, уларнинг оиладаги роли ва дунёқарашини такомиллаштириш мақсадида «Тошкент қизлари» клуби ташкил этилди.

Ёшлар ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида мактабларда ва билим юрталарида «Жиноят кодекси», «Фуқаролик процессуал кодекси» мавзусига бағишланган суҳбат ва мулоқотлар, баҳс-мунозаралар олиб борилди.

Ушбу ишлар натижасида балоғат ёшига етмаганлар уртасида содир этилган жиноятлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан камайди.

Яна шунинг ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, ўтган тўққиз ой мобайнида шаҳар ҳокимлиги 52639 ҳам таъминланган оилага бюджет ҳисобидан 169 миллион 400 минг сўм миқдоридда моддий ёрдам кўрсатди. Шундай хайр-эхсон тadbирлари учун «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармаси 756,5 минг сўм, «Навруз» жамғармаси 34 минг сўм ва «Маҳалла» жамғармаси 330,4 минг сўм ажратди.

Шу йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида шаҳар Қизил Ярим Ой жамияти томонидан ёлғиз, кекса, ногирониларга, етим болаларга, кам таъминланган кўп болали оилаларга 1 миллион 613 минг сўмликдан кўп моддий ёрдам кўрсатилди. Шаҳар «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси томонидан оналик ва болалиқни ҳимоя қилиш мақсадида интeрнат ва мурувват уйларига 167000 сўмлик кийим-кечак, дори-дармонлар тарқатилди. Мазкур жамғарма хотин-қизлар ва ёшларни соғломлаштиришга ёрдам бериш, улар уртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича қатор ишларни амалга ошириб келмоқда.

Бу ишларнинг ёрқин далили сифатида Тошкент шаҳрида биринчи марта хотин-қизларнинг 1-спартакиадаси ўтказилганлигини келтириш мумкин. Унда шаҳардаги 700 дан ортиқ хотин-қизлар иштирок этдилар.

Шунингдек, йиғилиш иштирокчилари Шайхонтоҳур тумани хотин-қизлар кўмитасининг раиси С. Жалилованинг «Соғлом авлод — соғлом жамият негизидир» дастури бўйича туманда амалга оширилётган ишлар ҳамда «Тошкент қизлари» клуби ҳақида М. Расулованинг маърузаларини тингладилар. Маъруза юзасидан муҳофазатга сўзга чиққанлар шаҳар ва туман хотин-қизлари кўмиталари, уюшма раислари маҳаллаларда, мактабларда аёллар ва ёшлар уртасида ҳуқуқий саводхонлиқни ошириш, ажримларни, балоғат ёшига етмай турмуш қуриш ҳолатларининг олдини олиш, болалар ўлими ҳамда хотин-қизлар орасида содир этилаётган жиноятчиликни кескин камайтириш мақсадида, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ҳуқуқ-тартибот органлари ва бошқа турли жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда амалга оширилаётган ишларни кенгайтириш, уларни янада яхшилаш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Моҳидил РИЗАЕВА.

### Маслаҳатлар

Ошхона пичоқлари вилака ва қошиқлар билан бирга сақланса тез ўтмаслини қолади.

Янги сотиб олинган алюмин идишларни ёғ солиб қиздириб, туз билан ишқалаб артсангиз, таомларни қорайтирмайдиган бўлади.

Чинни, фаянс ва шишадан ясалган идишларни ювгандан кейин яхшилаб қуришти керак. Агар бундай идишларни сочик билан артадиган бўлсангиз сочикнинг туқлари ёпишиб, уни яна ифлос қилиб қўяди.

Шуни эсда тутиш керакки, тоза ювилмаган идиш таомнинг сифатини бузади ва соғлиққа ҳам зарар етказиши мумкин.

Алюмин идишга ёпишиб қолган қора доғларни сиркага ботирилган пахта билан артиб, кейин ювиб ташласангиз, топ-тоза бўлади.

Дилноза ГИЁС қизи тайёрлади.

Чилонзор тумани ҳокимлигида «Жамият, оила, аёллар ва дин» мавзусида ўтказилган анжуман аввалгиларидан ўзига ҳослиги билан ажралиб турди. Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитаси томонидан ташкил этилган ушбу анжуманда шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитасининг раиси Фарида Абдурахимова, Ўзбекистон Республикаси мусулмонлари идораси бошлиғи муфтий Абдурашид қори Баҳромов, мактаб

раҳбарлари ва ўқитувчилар, маҳалла оқсоқоллари ҳамда 1-Тошкент педагогика билим юрти

формаси каби масалалар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди. Жумладан, никоҳ ма-

ҳаражатлар маҳалла фаоллари томонидан назоратга олиниши қизгин мунозааратга айланди. Йиғилганлар ўзларини қизиқтирган саволларга тўла-тўқис жавоб олганликларини билдириб, шундай давраларни янада кенг қўллаш ташкил қилиш кераклигини таъкидладилар. Шунга қўра, бу давра суҳбатини бевоқиф таълим масканларида, маҳаллаларда давом эттириш режалаштирилди.

Наргиза ПИРНАЗАРОВА.

### Анжуманлар

## ДОПЗАРБ МАВЗУДА

талабалари иштирок этишди. Савол-жавоб тарзида бу йиғилишда оила, турмуш қуриш, тўй ва маърака маросимлари, аёлларнинг ҳижобда юриши, кўпхотинлик, жиноят содир этган ёшлар, кийиниш, мактаб

росимларида келин-куёв вакиллари ҳаёт тажрибасига эга бўлган опахонлардан танланса, улар ёшларнинг аҳил яшаб кетишларида ҳар томонлама муҳим аҳамият касб этишлари, тўй ва турли маросимлардаги сарф-

# ТОШКЕНТ АЁЛАРИ

**Замонавий аёл, айниқса, тadbиркор аёл ҳақида гап кетганда Мирзо Улугбек туманида жойлашган Оқунбобоев номи маҳалланинг шижоатли, ғайратли раҳбари Ҳалима Маҳмудова кўз олдимда гавдаланади. Негаки бу аёл ўзининг тиришқоқлиги, меҳнатсеварлиги, талабчанлиги билан ҳам оила, ҳам маҳалла ташвишларини осонликча ҳал қилади, шу сабабли маҳалладошлари меҳри ва ишончини қозониб келмоқда.**

Хар сафар Ҳалима опа истикомат қиладиган хонадон ёнидан ўтар эканман, эшик атрофида меҳр билан ўтказилган гулларга, райхонларга, онахон барпо этган боғга қараб баҳри-дилиш очилиб кетади. Опанинг келинлари, қизлари бўлса ҳам, уй ишларини қанда қилмайдилар. Эшик олди доим супурилган, сув сепилган. Дарвоқе, Ҳалима опа 6 фарзанднинг онаси, 8 набиранинг севишли бувижониси. Онахон маҳалла ва ҳам ўз оилаларидек биладилар, у ҳақда қайғурадилар. Маҳалланинг гуллаб-яшнаши, ҳар бир оиланинг тинч ва фаровон бўлиши

Ҳалима опа маҳаллага раҳбар бўлмасдан илгари 30 сотих ери ахлатдан тозалатиб, боғ барпо этдилар. Кейинчалик шу ерга маҳалла идораси қурилди. Эндиликда бу идорада катта-кичик анжуманлар ўтказилган бўлди.

Ҳозирги куннинг ҳар қадамида янгилик нафаси ўфуриб туриши зарур. Шу боисдан маҳаллада янгича анъаналарни қарор топтиришга эътибор берилаётди. Тadbирлар ихчам, камчиқим тўйлар қўяйди, азадор бўлган хонадонлар эгаларига моддий ёрдам кўрсатила бошланди. Аҳолига қўлайлик яратиш мақсадида маҳаллада онахон ташаббуси билан кичик пойабзал устанонаси очилди. Одамларнинг кўнгилли дам олишини кўзлаб ўтказилаётган турли тadbирлар маҳалла аҳлига руҳий мадад бермоқда. Ҳатто уларнинг ўзлариям эндиликда бундай давраларнинг ташаббускори бўлишмоқда. Яқинида маҳалла гузариди «Уч давр аёллари», «Сиз она бўлишга тайёрмисиз?», «Бола соғлиғи — оила ва жамият бахти», «Балакининг зарари» ва «Ҳуқуқ ва бурч» мавзуларида турли соҳа мутахассисларининг суҳбатлари эшитилди.

### Етақчилар

## КўНГИЛ ИПЛАРИ УЛАНСИН

албатта, маҳалла раҳбарига боғлиқ. Чунки маҳалла етақчиси шу гушанинг сарбони ҳисобланади. Карвон сўзисиз сарбонга итот этади. Ҳалима опа қатъиятли сарбонлардан биридир...

Телефоннинг қаттиқ жиринглашидан уйғониб кетган Ҳалима опа хавотир аралаш соатга қаради. Ярим тун. «Тинчликмикин?». Шовиб қулоқ тутди.

— Опа, бу сизми...  
— Овоз эгаси гапиролмай йўғлаб юборди. Опа уни таниди. Бу — ўша аёл.  
— Яна ичиб келдимки, — босиқлик билан сўради у.

— Ҳа... Ўзингиз келмасангиз бўлмайди, опа.

— Болаларинг уйғониб қолмасин, дами-ниги ол. Тонгда қираман.

Ҳалима опа ўрнига етди-ю аммо ухлолмади. Ҳаёли ўша хонадонга қўнди. Яқинида бўлувди у ерда.

Уша кўни уларни қаҳриб алоҳида-алоҳида узок суҳбатлашди. Икковини тушунагандай бўлди, ярашди. Бугун эса яна...

Бенихтиёр ўша аёлнинг қайнонасини эслади. «Аралишми нима қиласиз, бейойбда, — деди у опага совуқ қараб. — Ўғлимнинг кўнгли йўқ хотинига...»

— Кўнгли... Манави болалар туғилгунча қаёқда экан, ўша қуриб кетгун кўнгли. Оила, болалар тақдирини сизларга уйинчоқми, ахир!

Опа ҳаёлга толди: аёл беқанот, эр ўз бурчини англаб етмаган, қайнота-қайнона фарзандини инсофга қақшириш ўрнига, ёнган ўтни баттар аланглади. Уртада бегунох болалар сарсон, оила омонат.

Мана ўттиз йилдирки турмуш ўртоғи билан «сизу менга» боришмаган. Ҳалима опа оилани оила қилиш факат аёлнинг қўлида деб ўйлайди. Тўғри-да, эркак киши кўнанинг қўли, уйига меҳмондек келиб, меҳмондек кетади. Ахир аёл ҳам унинг иззатини жойига қўйиб, кўнглини овлайдиган ақли мезбон бўлиши керак-да. Қизлари ва келинларига ҳам уқтирган: «Эринг қўчадан келганда ҳамма ишининг четга олиб қўйиб, йўлига пешовоз чик...». Кўёвлари ҳам ақли, катта-кичкинчи ҳурмат қилмаган йиғитлар. Бир кун опа кўёвларига «Сизларни қизларимдан ҳам ортиқ қўраман» деб юборишига сал қолган. Емон қўздан асрасин, яхши-да кўёвлари... Набиралари-чи, бири-биридан ширин...

Маъмура РЎЗИЕВА.



Шаҳримиздаги Китеб-журнал фабрикасида асосан аёллар меҳнат қилишади. Бу ерда деярли ҳар бир корхона, ташкилот, маюссаса учун зарур бўлган қоғоз маҳсулотлари аёлларнинг нозик қўллари билан тайёрланади.

СУРАТДА: тезкор босма ҳеҳида ишчилар (чапдан) Татяна Алтинова, Мухаббат Нодирматова, Надежда Андреевалар маҳсулотни қўздан кечирибмоқда.

Рустам ШЕРИПОВ олган сурат.

**Оқ рўмолли оппоқойимлар...**  
**«Фариштадек!» Сизни кўрсам шундай ўй ўтади кўнглимдан. Рўмолингизда гард йўқ, чехрангиз ғуборсиз. Айтадиганларим Сизга оғир ботмасин, зинҳор мендан ранжи-манг. Сиз ундай эмассиз, ҳар бирингиз хур малакисиз.**  
**Афсус, шундайлар ҳам бор...**

У аёлни 5-6 йилдан буён биламан, танийман. Ҳаётда адашган, тақдир тошидан бағри яра аёл. Бева боши билан икки етимни боқаяпти. «Бундайлар камми?» дерсиз. Йўқ, у яна адашди. Назаримда бу галгиси анча мушкул. Адашдики, эътиқодини сотди. Богчада мудира бўлиб ишлайди. Бир кун келди, бошида оппоқ рўмол. «Кўнглимга солди, ҳижобга кирдим, шу бугун тонгда юзимга тушган нурдан уйғондим. Қарасам қаршимда оппоқ либос кийган қария турибди. Қўлида мана бу жойнамош...» Қандайдир матони кўрсатди...

Очиги, ишончимни ҳам, ишонмасликимни билмай қолдим. «Бугунги куннинг одами ўзга сайёраликлар билан гаплашяпти», деди бир танишимиз. «Бўлса бордин». Лекин баъзи касбдошлари «хаммани қўйиб шу — ахлоқсизга жойнамош тушармиди. Бир афсонадир, кўрамыз қанча юраркин чимматда, суюқоёк...» Танбехлар ўз йўлига. Фақат кўнглим хижил тортиди: бардоши етармикин покизалик шартларида? Миш-мишлар авжига чиқди: бошида оқ рўмол яна «ота»ларнинг машинасида юрибди... «Эшитдингизми, фолбин буп қопти...»

«Уйда касалларни қабул қилаётган экан. Кечагинида бордим, башарамга қараб: «Машқура опа, асаб касалига учрабсиз» деди. Ростанам асабим чатоқ...» Яна бири «дам соляпти, ўзим қизчамга солдирдим», қўшни хотин ёқа ушларди. Мавҳум бир кайфиятда 2-3 аёллар би-



Акмал Икромов туманидаги 129-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Зебо Қодирова келажаги порлоқ ёш муаллимлардан саналади. У ўз фаолияти давомида ўқитишнинг янги услубларини қўлламоқда.

Равиль Альбеков олган сурат.

**Оқ рўмолли оппоқойимлар...**  
**«Фариштадек!» Сизни кўрсам шундай ўй ўтади кўнглимдан. Рўмолингизда гард йўқ, чехрангиз ғуборсиз. Айтадиганларим Сизга оғир ботмасин, зинҳор мендан ранжи-манг. Сиз ундай эмассиз, ҳар бирингиз хур малакисиз.**  
**Афсус, шундайлар ҳам бор...**

У аёлни 5-6 йилдан буён биламан, танийман. Ҳаётда адашган, тақдир тошидан бағри яра аёл. Бева боши билан икки етимни боқаяпти. «Бундайлар камми?» дерсиз. Йўқ, у яна адашди. Назаримда бу галгиси анча мушкул. Адашдики, эътиқодини сотди. Богчада мудира бўлиб ишлайди. Бир кун келди, бошида оппоқ рўмол. «Кўнглимга солди, ҳижобга кирдим, шу бугун тонгда юзимга тушган нурдан уйғондим. Қарасам қаршимда оппоқ либос кийган қария турибди. Қўлида мана бу жойнамош...» Қандайдир матони кўрсатди...

### Минбар

## НИҚОБМИ?

тасбеҳини тинмай шақиллатиб ўғира туриб. Шу пайт эшик кўнгириғи жириглаб қолди. Келишган, норғул йигит, қўлида ичилик тўла егулик қоғоз халта. Ҳатто коньяк, ароғини ўраб беркитмабдиам. Хи-жолат тортиб қолдим. Аёл ўзини қўярга жой тополмай қолса керак, деб ўйладим. Йўқ, янгилишбман, зарра қизармади. «Келдингизми, ҳозир ўқиб қўяман, бу уйга ўтинг» деди овозини баралла қўйиб. Йигит ширақайи чоғи, «эсинг жойидими, қанақа ўқиб, ўқигаша келмадим, суҳбатининг олай, кўнгли ёзай...» гандирақлаб аёлга урилди. «Секин, тиш...» деганини эшитдим.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай: — Одамларим: «Энди ўрама, истаганинча яша, сени синадик, сен ҳалол, бардошли аёл экансан» дейишди, деб изоҳларди ўз қилимларини кўринган одамга. Дув-дув бўлди-ю, яна ҳамма ўз йўлида кетди.

Уша аёл ҳозир ҳам богчада мудира. Уша-ўша... Ҳижоб — ниқобми? Ёпинчикми? Истаган вақтда ёчиб қўядиган? Ахир ҳижоб — эътикод, поклик, бокиралик, ҳаё рамзи

«Фариштадек!» Кўзингизга қўзим тушса дилимдан шундай ўй ўтаверади...

Яратганинг ўзи тавфиқ берсин ҳар биримизга...

Саида ЙҮЛДОШЕВА.

### Зебоппик

**ҚҮЛНИ ПАРВАРИШЛАШ**

Куз фасли келиши билан юз, қўл ва оёқ терисининг ҳолати ўзгаради, совуқ шамол, ёмғир таъсирида тери қуриб, дағаллашади. Шу боис куз фаслида аёллар тери парваршига алоҳида эътибор беришлари лозим. Турли шароитда меҳнат қилувчи аёлларнинг тери парваршига вақт ажратиши кийин, албатта. Бироқ ноқулай шароит-

га махсус крем ёки глицирин суртиб олишлари керак. Бунда қўллар шамол ва офтоб нурларидан ҳимояланади.

Агар қўл териси ёрилган бўлса, кечки уйқудан олдин қўллارни зардобли сувга, қатик ёки тузланган қарам сувига 10-15 дақиқа давомида ботириб турилади. Бу муолажадан сўнг қўлни илик сувда ювиб, крем суртилади.

Агар қўл териси ҳаддан ташқари ёрилган бўлса, крахмал эритмасида (1 ош қошиқ крахмал 1 литр сувда эритилди) 15-20 дақиқа давомида тутилади. Шундан кейин қўллارни ювмай туриб, доғлаб — совутилган пахта ёғи суртилади.

Картошка қайнатилган сув ҳам қўл терисига фойдалидир. Уй ишларидан бўшаган, картошка сувига 5-10 дақиқа давомида қўллариңизни ботириб туринг, сўнгга крем суртинг.

Агар қўл териси қуриб, юпқаланиб кетса, тирноқлар атрофида «сочик» деб номланадиган майда ўсимталар пайдо бўлади, булар салга шилиниб, терини яралайди. Уларни атир ёки спирт билан артилган кичкина қайчида охишта кесиб, йод суртиб қўйиш керак. Шунда теридаги «сочик» икки-уч кунда йўқолиб кетади.

Моҳира КАРИМОВА тайёрлади.







ЯНГИ  
КУРАШЛАРГА  
ШАЙПАНАЙЛИК

Хар бир мамлакат футболнинг кўзгуси — бу терма жамоа. Хориж мутахассислари айнан шунга қараб юрт футболчи ҳақида фикр юртишади. Хўш, Ўзбекистон футболчининг бугунги кўриниши қандай? Жоиз бўлса айтиш керакки у қайси даврни бошдан кечирмоқда? Баҳор об-ҳавосидек ўзгарувчанлигининг туб сабаблари нимада? Мутахассислар етишмайдими? Қобилиятли футболчилар йўқми? Саволлар ёмғирдек мўл. Жавоблар эса ҳозирча нолишу таъналардан иборатдай.

Аслида эса кексаларимиз айтганидек, ҳамиша ҳам «қозонда бориғина чўмичга чиқади». Бирок тан олиш керак, бизда бир жихатдан қозонда бори ҳам кўринмайди баъзида. Ким айбдор? Уйинчиларми? Мураббийларми? Вазиятми? (Уни ким яратган?!). Ва ёки рақибларнинг ўзига хос тактикаси? Аммо нима бўлганда ҳам терма жамоамиз 1997 йил ҳисобидан ўзининг нималарга қодир эканлигини қандай ҳолатда бўлса-да намойиш этди.

ОСИЁ БИЗДАН  
КЎРКАН  
ЭДИМИ?

Биз учун 1998 йилги жаҳон чемпионати Осиёда нихосига етди. Япония ва Кореядан мағлубият, Алматидagi дуранинг... Аммо биз ўшанда ҳам «чиқмаган жондан» дея сароб умидга ишондик. Буни кўриб, биллиб турган мутахассисларимиз эса пинаҳ бузишмади. Ўзларини жавобгарлик ҳиссидан олиб қочишди.

Бахслар бошланишдан аввал кўпчилик: «Осиё биздан кўрмоқда» дея ўзларича аюханно солишди. Бир жихатдан бу гапларда ҳам озгина бўлса-да жон бор эди. (Дархатнинг учу шамол бўлмаса кимларайдику). 12-Осиё уйинларидаги муваффақиятнинг шомларига ўзимиз анча вақт «рақ» тушдик. Ўз-ўзимизга сўқланиб бокдик. Мактадлик, қарасак, гўёки Франция бизга бир қадамдек кўриниб қолди. Билиб-билмай Эйфель минорасида байрам қиламиз, деб юбордик чоғи. Бирок... ҳаммаси бошқача бўлиб чикди.

Осиё биздан ҳавфсиз-раган экан, холос. Тошкентга келган корей журналистлари билан сўхбатлашганимизда улар: «Биз тактик, техник жихатдан сизлардан устунмиз. Лекин жисмоний тайёргарлик тўғрисида бир гап

айтолмаймиз. Чунки сизларда Европа футболчининг «бўрони» бор дейишганида, биз эътироз билдирмадик. Нима ҳам дердик. Улар қайсида маънода ҳақ гапни айтишганди.

Чумчуқдан кўрққан тарик экмаиди. Шу маънода корейслар ҳам, японлар ҳам ютиш учун майдонга тушганликларини ва (ҳозирча) биздан устунликларини намойиш этганликларини тан

аён бўлди. М. Қосимов, И. Шквирин, А. Федоров, С. Лебедев, А. Абдураимов каби «майдон курган» футболчиларимизнинг ишончли ва босиқ хатти-ҳаракатлари бошқалардан ажралиб турди. Лекин Азамат Абдураимов охиригикалла уйинни ҳисобга олмганда, нега доим заҳирада туради? Бу, бизнингча уйиннинг таъкили камчиликларидан ҳисобланади.

да эса футболчиларимиз майдон эгалари — арабларни анча ташвишга солдилар. Бу ерда янги мураббий терма жамоамизнинг «анъанавий» уйин услубига бир қадар ўзгартирилди. Ушунга жамоа уйини сезила бошлади. Демак, ҳулоса шундай: терма жамоамизда ҳали ишга солинмаган «заҳира»лар кўп. Агар яхшилаб тер тўқилса, бир маталда айтилганидек, «Нима бизга Америка?». Ана шунга ишонч уйгонди. Нима ҳам дердик, ҳечдан кўра кеч бўлгани ҳам яхши-да!

ОМАД ОТИ  
ҚОҚИЛГАНДА

Сабок ҳам ютук, дейдилар. Францияга бориш учун «чипта»лар турган бўлса-да, ҳозир умидсизликка тушиб ўтириш вақти эмас. Ноумид-шайтон. Бразилиялик мураббийни имкон қадар кўпроқ «ишга солиб», маҳоратни ошириш зарур. Бразилия — дунёдаги энг номдор футбол мамлакатларидан бири эканлигини ҳамма билади. Ҳозир Япония ва Арабистон терма жамоаларига ҳам бразилиялик мураббийлар бошчилик қилмоқдалар. Умуман, хорижий мутахассисларни жалб этиш бу — футболни жаҳон даражасига кўтаришнинг синалган йўлларида бири ҳисобланади. Иккинчи усул эса, мавриди келганда футболчиларнинг хорижий жамоаларда тўп суришларидир. Бу ҳол улар учун «текин мактаб» вазиасини ўтайди. Ўзимиздан қиёс: шу пайтгача бирорта нуфузли халқаро уйин ўтказилгудек бўлса, бир-бири-миздан: «Миржалол, Шквирин, Азаматлар ҳам келишадими?» деб сўраб эдик. Жанубий Корея футболчилари ҳам бирорта «харидор» чиққани заҳоти шартнома тўзиб, хорижга чиқишга ошқадилар.

Хуллас, мулоҳаза юритсак, гап кўп. Муваффақиятсизлик бизнинг футболда бўлган меҳримизни асло сўндирмайдми. Негакки, «тунел ортидаги ёрулик» бизга далда беради. Шунинг учун белли маҳкам боғлаб, навбатдаги курашларга чоғланмоқ керак. Келгуси йили Таиланд 13-Осиё уйинлари бўлиб ўтади. Унда футболчиларимиз «Осиё чемпионлари» деган юксак ном остида майдонга тушадилар. Ана шу мавқеи муваффақиятли сақлаб қолсакки, ундан сўнг 2002 йили Япония ва Кореяда ўтадиган жаҳон чемпионатида катта шайхон ҳақида орзу қилсак бўлади.

Тўлқин РЎЗИЕВ,  
Бахтиёр ҲАЙДАРОВ.

ЎЗБЕКИСТОН  
МУСТАҚИЛЛИГИ КУБОГИ

Маълумки, бу йилги теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоги учун Ай-Ти-Пи тур сериясидаги халқаро мусобақалар бутун жаҳон узра акс-садо бериб, республикамиз нуфузини янада оширди. Шуниси эътиборга молики, 22—23 ноябрь кунлари Юнусов спорт соғломлаштириш мажмуасида яна бир улкан халқаро турнир — эркин кураш бўйича Ўзбекистон Мустақиллиги кубоги мусобақалари бўлиб ўтди. Бизнинг Ўзбекистон Республикаси кураш ассоциациясининг президенти Аҳор ака Рўзиев билан сўхбатимиз ҳам илк бор ўтказилган мазкур халқаро мусобақанинг қўламини, унга юртимиз курашчиларининг қандай тайёргарлик кўргани хусусида бўлди.

— Аҳор ака, айтингчи, Ўзбекистон Мустақиллиги кубоги халқаро мусобақаларини ташкил этиш гоёси қандай тугилди?

— Бундай мусобақани ташкил этиш фикри бизда 1993 йили тутилган бўлиб, уша йили халқаро кураш федерацияси — ФИЛАга бу ҳақда ариза бергандик. ФИЛА ташкилоти бизнинг халқаро майдондаги муваффақиятларимиз, республикамиз ҳудудда ўтказилган мусобақаларнинг ташкилий томонларини қўзғитиб бориб, имкониятларимизга юқори баҳо берди ва мазкур мусобақани ўз тасаруфига олишини маълум қилди. Шу тариқа, теннис бўйича Республика Президенти Кубоги сингари халқаро мусобақалар анъанавий расмий мусобақа «дунёга келди». Шунга айтиш керакки, Ўзбекистон Мустақиллиги кубоги дунёдаги энг кўли 10 турнир — «Гран При» мусобақалари тоифасига киритилди. АКШ, Польша, Эрон, Туркия, Корея, Россия, Қирғизистон, Қозғистон, Грузия, Озарбайжон жамоалари мусобақада катнашиш истагини билдиришди. 8 та вазн тоифасида ўтказилган беллашуларда 250 га яқин спортчилар иштирок этди. Турнирнинг мукофот жамғармаси эса 100 минг АКШ доллари миқдорда белгиланди. У барча вазн тоифаларидаги совриндорларга бўлиб берилди. Шунингдек, қолибларга ва катнашчиларга миллий эсдалик совғалари ҳам топиришди.

— Мусобақага халқаро кураш федерациясининг вакиллари ҳам ташриф буюришдими?

— Албатта. ФИЛАНинг биринчи вице-президенти бошчилигидаги беш кишилик делегация турнирга келиб, беллашуларни бевосита кузатишлар. Урашувларни кураш заминдаги энг кўли ҳакамлар бошқаришди. Бизда теннис, бокс ва бошқа спорт турлари бўйича йирик мусобақаларни ўтказиш тажрибаси бор. Уйламанки, мусобақани ташкилий томондан юқори даражада ўтказиш имкониятларимизни яна бир қарра намойиш этиш ниятларимизга эришдик. Энг муҳими, турнир ФИЛАНинг келаси йилги тақвим режасига киритилди ва 1998 йилда 30—40 мамлакат курашчилари катнашишини ташкил этамиз.

— Мусобақалар шубҳасиз республикамизда курашнинг ривожига катта таъсир кўрсатса керак?

— Республикада 200 га яқин эркин кураш секциялари бўлиб, уларда ҳозир кўлаб бўлгуси чемпионлар тарбияланмоқда. Янги турнир албатта улар учун катта маҳорат мактаби бўлиб қолиши аниқ. Турнир доирасида мураббийларнинг халқаро семинарини ҳам ташкил этдик. Унга яқин хориждан кураш бўйича катта тажрибага эга малакали устозлар, шу соҳанинг академик ва профессорлари тақлиф этилганлиги бизнинг катта ютуғимиз бўлди. Бу анжуман ҳам устозларимиз учун ўзига хос мактаб вазиасини ўтади. Бундан ташқари мусобақага республикамизнинг ҳар бир вилоятидан 10 тадан ёш, истиқболли курашчилар ўз мураббийлари билан келиб, жаҳоннинг етакчи курашчилари маҳоратидан баҳраманд бўлиш имкониятидан фойдаланишди. Республика жисмоний тарбия институти кураш факультети талабалари ҳам турнир орқали амалий билимларини мустаҳкамладилар. Хуллас, анъанавий мусобақа республикамизда курашнинг келажакдаги ривожига жиддий таъсир кўрсатишига шак-шубҳа йўқ.

Фурсатдан фойдаланиб «Агрополис», «Алп Жамол», «Демир», «Зарема» фирмалари, «Витос» қўшма корхоналари каби мусобақани ташкил этишга катта ҳисса қўшган ҳомиёларга ўз миннатдорчилигини билдириб ўтмоқчиман.

Дилшод ИСРОИЛОВ ёзиб олди.

## Қатрапа

## БОИСИ МЕХНАТ

— Биз сизларни чиройли қилиб тураемиз. Кўрганлар ҳавас билан боқадди, — ўзларини кўз-кўз қилди ун ва чап қўлга тақилган биланузуқлар.

— Тўрику-я, сизлар ҳалол меҳнатимиз эвазига келганингизни синхор унутманг, — дейишди қўллар.

## БЕКОР ҚОҚИШ

Катта ариқнинг суви бешик-бешик тўлқин билан шўхланиб оқаркан, ёнидаги кичик ариқ сувига:

— Мунча имиллайсан, овозинг ҳам чиқмайди, — деди мағрурлик билан.

— Ниҳолларни сувга қондириб, шошилмай оқаяпман. Сенга ўхшаб бекордан-бекорга шовқин солиб оқишдан нима фойда, — деди ариқча.

## ЧИЛЧУП

— Нишолдани ширин қилган мен, — деди шакар.

— Менсиз нишолда тайёрлаб бўлмайди, — бўш келмади тухум ҳам.

— Сенларни баракали қиладиган мени ҳам ўйлаб қўйинлар, — ўзини босолмай кўпирди етмак.

— Фиркингизга юз фоиз қўшилиман, лекин, — деди чилчуп, — сизларни қовуштириш учун бош уриб ҳаракат қилмасан, ўзингизча нишолда қилолмайсиз, — деди меҳнаткаш чилчуп.

## НАЗАРДАН ЧЕТДА

Томорқа атрофига тутилган тиконли симдан сўрашди:

— Негга бўшашиб, чувалаб ётибсан?

— Экин борида таранг — ҳушёр туриб қоровуллик қилардим. Эгамнинг назаридан тушмасдим. Сал бўшашман таранг тортиб, қаддимни ростлаб турарди. Ҳосил туговдики эътибордан четда қолдим. Кўриб турибсиз, қўриқлайдиган ҳосил йўқ. Бекорман. Бўшашиб ётишим шундан.

— Тўғри, унда сенда нима айб. Меҳнатинг бўлганда назардан тушмасдинг, — дейишди унга.

## КАТТА ОҒИЗ

Каттақозоннинг оғзи катта-де, шунга яраша гапи ҳам.

— Миттиво-ей, жа нечта одамга хизмат қилардинг? — дея кичик қозонга пичинг қилди.

— Бир оила хизматидан миннатдор, — деди кичик қозон ва таъкиллади. — Тўй кунга сенга масаллик топиш учун меҳнаткаш қўлларга қувват — овқат бўлсин деб кўп хизмат қилман. Булмасам-чи, ҳар замонда бўладиган тўйда ҳам хизмат қилишга ожизлик қилсан. Катта гапирган оғзингни оқ-е-еб тура-берасан, — деди кичик қозон дадиллик билан.

## ПОҚАЙДЛИК

— Тишинга занг оралабди. Давоси меҳнат. Тезроқ ишга туш. — Вақтида оғоҳлантиришди плугни.

— Кези келганда занган ерларни палаҳса-палаҳса қилиб ағдарган эгилмас полвон бўлсаму жиндекки-на занган чўйиманми? — лоқайд бўлди плуг ва далага чиқшини ортага судурди. Лоқайдлигидан фойдаланган занг тез орада плугни ишга яроқсиз қилди.

Уни далагамас, темир-терсакка жўнатишди.

## РЁЁКОР

Бугдой майсаларининг ҳадемай дон-элга дармон бўлмаси, деган умидлари уларнинг панжалаб яйраб ўсишларига ундайди.

Бугдой билан ёнма-ён ўсаётган оқбош ўтининг келажакга ўзига маълум. Кўриниши бугдойникига ўхшагани билан озукага тўйса ҳам охири вой — пуч — мағизсиз. Умиди эса риё йўли билан ўзини бугдойдек кўрсатиш. Ёнидан ўсиб чиққан шўра риёсига қўл келди. Бугдой пишигида кўлга шўрани қўрсатиб: — Менга тегишли озуқани ҳам шу еди. Пучлигини шундан, — демоқчи.

Ақсига олиб қўл шўрани вақтлорқ олиб ташлади. Гўё оқбош ўтининг риё умидини ҳам юлгандек бўлди.

Бировлар бор: айбларини кимгадир тўнкаб, ожизликларини оқламоқчи бўладилар.

Ғани АБДУЛЛАЕВ.

## Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ

## ТИЖОРАТ ХАБАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

Ўзбекдашхир республика бирлиши Тошкентда Эъломий номи Тошкент давлат цирки

1997 йил 25 декабрдан 1998 йил 11 январгача

Болалар, сизлар учун! Маънаф дунёдаги қишқик таълиқ кўлабига

ЎЗБЕКИСТОН

"ТИРИК СУВ ЕКИ ЧИЖИК ВА ПИЖИКИНИНГ САРГУЗАШТАРИ"

Янги йил эртаги

Катнашадилар: Корбобо, Коркиз, эртақлар

каҳрамонлари, цирк санъати барча жанрлари бўйича ҳамда ўргатилган хайвонлар иштирокидаги цирк дастури.

Тошоналар: 25, 26, 27, 28, 29 декабрда - соат 10.00, 12.00, 14.00, 16.00; 31 декабрда - соат 16.00; 1 январда - соат 10.00; 3, 4 январда - соат 18.00; 10 январда - соат 18.00; 11 январда - соат 10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 18.00 да бошланади.

Билетларнинг олиндириш сотилиши ташкил этилган. Билетлар нақд пулга ёки пул ўтказиш йўли билан 1997 йил 15 ноябрдан бошлаб сотилади. Касса соат 10.00 дан 18.00 гача ишлайди. Маълумотлар учун телефонлар: 144-35-91, 144-35-89, 144-29-04.

Миробод туман ҳокимининг 1997 йил 6 августдаги 418-қарори билан рўйхатга олинган Назира Тошма-товна Шукурова номига берилган 0301391 рақамли солиқ гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ХИЗМАТЛАР

Торт ва бошқа қандолат маҳсулотларини пишириш-ни ўргатаман ва бюртматлар қабул қиламан.

Телефон: 42-24-63.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги гидрометеорология Бош бошқармасига қарашли Тошкент гидрометеорология техникумининг жамоаси мазкур ўқув гидрометеорология станциясининг солиқ гувоҳномаси, нафаҳур

Ғозил Ғиёсовни Ғиёсовнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оиласи ҳамда яқинларига ҳамдардлик билдиради.